

## Арбаъин / Арбаъин / 8-ҳадис

عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: "أُمِرْتُ أَنْ أُقَاتِلَ النَّاسَ حَتَّى يَشْهَدُوا أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَأَنَّ مُحَمَّدًا رَسُولُ اللَّهِ، وَيُقِيمُوا الصَّلَاةَ، وَيُؤْتُوا الزَّكَاةَ، فَإِذَا فَعَلُوا ذَلِكَ عَصَمُوا مِنِّي دِمَاءَهُمْ وَأَمْوَالَهُمْ إِلَّا بِحَقِّ الْإِسْلَامِ، وَحِسَابُهُمْ عَلَى اللَّهِ تَعَالَى".

(رواه البخاري ومسلم).

### Мусулмоннинг ҳурмати

Ибн Умар разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

"Инсонлар "Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ ва Муҳаммад Унинг Расулидир" деб гувоҳлик бериб, намозни адо этмагунларича ва закотни бермагунларича, улар билан жанг қилишга буюрилдим. Агар одамлар юқоридагиларга амал қилсалар, мендан қонлари ва молларини омон сақлаган бўладилар. Фақат Ислому ҳаққи бундан мустасно. Уларнинг ҳисоб-китоби эса Аллоҳ таолога ҳаволадир".

(Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари).

### Ҳадиснинг аҳамияти ҳақида

Мазкур ҳадис ўзида Исломининг учта асосий рукнини жамлаган:

1. Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ ва Муҳаммад унинг Расули деб гувоҳлик бермоқ;
2. Намозни барча қонун-қоидалари билан тўқис адо қилмоқ;
3. Закотни ҳақдор кишиларга бермоқ.

Ушбу ҳадис билан мазмунан бир хил бўлган бошқа ривоятлар имом Бухорий, Аҳмад ва Ибн Можа асарларида ҳам келтириб ўтилганки, улар ҳадис маъносини янада чуқурроқ ёритиб беради.

### Ҳадисдан олинган сабоқлар

**1. Икки шаҳодатни тил билан айтган кишининг жони ҳам, моли ҳам омонда бўлади**

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мусулмон бўлиш умидида ҳузурларига келган кишилардан фақат икки шаҳодатни қабул қилиб олардилар. Улар шаҳодат калимасини айтганларидан сўнг мусулмон ҳисобланар ва молу жонларига омонлик берилар эди. Ушбу сўзларимизни Бухорий ва Муслим ривоят қилган қуйидаги ҳадис ҳам қувватлайди:

Абу Хурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

"Одамлар: "Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ!" - деб айтмагунларига қадар улар билан жанг қилишга буюрилдим. Кимки: "Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ!" - деса, мендан молу жонини омон сақлайди. Фақат шу калима ҳаққи қолади. Кейин у кишининг ҳукми Аллоҳга ҳаволадир".

Муслим ривоятидаги ҳадис лафзи бир оз бошқача келган:

"Одамлар "Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ!" деб гувоҳлик бериб, менга ва мен олиб келган нарсаларга иймон келтирмагунларига қадар..."

Имом Муслим Абу Молик Ашжаийдан ривоят қилган яна бир ҳадисда шундай дейилади:

"Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ!" деб, Ундан бошқа барча маъбудларни инкор қилган кишининг қони ва молини Аллоҳ таоло ҳаром қилади. Унинг ҳисоб-китоби эса Аллоҳ азза ва жаллага ҳавола".

Усома ибн Зайд разияллоҳу анҳу "Лаа илааҳа иллаллоҳ" калимасини айтган кишини ўлдириб қўйганида Пайғамбар алайҳиссалом унга қаттиқ дашном берган эдилар.

Юқоридаги ҳамма ҳадислар саҳиҳ ва улар ўртасида қарама-қаршилик йўқ. Чунки инсон икки шаҳодатни айтиши билан мусулмон бўлади. Иймон келтиргач, намоз ва закотга тўла-тўкис амал қилган киши мусулмонлар жамоасининг тўлақонли аъзосига айланади ва мусулмонлар фойдаланадиган барча ҳуқуқлардан фойдаланади. Албатта мусулмонлар зиммасидаги барча масъулиятлар унга ҳам юкланади. Аммо у Исломнинг бирон рукнидан бош тортса, жазога тортилади. Бордию бундай кишилар кучли бир тўдага уюшиб олган бўлсалар, мусулмонлар бу тоифага қарши уруш эълон қилишга ҳақли бўладилар. "Агар тавба қилсалар ва намозни тўкис адо этиб, закотни берсалар, уларнинг йўллари очиб қўйингиз". (Тавба сураси, 5-оят);

"Энди агар тавба қилсалар ва намозни тўкис бажо қилиб, закотни адо қилсалар, у ҳолда диндош биродарларингиздир". (Тавба сураси, 11-оят).

## **2. Абу Бакр разияллоҳу анҳу билан Умар разияллоҳу анҳу ўрталарида кечган мунозара**

Икки улуғ саҳобий ўртасида бўлиб ўтган мунозара ҳам юқорида баён этилган фикрни тасдиқлайди.

Абу Хурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам вафотларидан сўнг Абу Бакр разияллоҳу анҳу халифа бўлдилар. Ўша кунлари айрим араблар куфрга қайтиб кетишди. Умар разияллоҳу анҳу Абу Бакр разияллоҳу анҳуга дедилар:

- Қандай қилиб уларга қарши уруш қиласиз? Ҳолбуки, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: "Инсонлар "Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ!"

демагунларича улар билан жанг қилишга буюрилдим. "Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ!" деб айтган киши мендан моли ва жонини омон сақлайди ва фақат Ислом ҳаққи қолади. Унинг ҳисоби Аллоҳ аzza ва жаллага ҳавола", деганларку?!

Шунда Абу Бакр разияллоху анху:

- Аллоҳга қасамки, намоз билан закот ўртасини ажратганларга қарши албатта жанг қиламан! Чунки закот мол ҳаққидир! Аллоҳга қасамки, агар улар Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламга берадиган битта арқонни беришдан бош тортсалар, ўша арқон учун ҳам уруш қиламан! - деб жавоб бердилар.

Аллоҳ таоло Абу Бакр разияллоху анхунинг қалбларини урушга мойил қилиб қўйганини кўрибоқ у кишининг ҳақ эканлигини тушундим, - дедилар Умар разияллоху анху.

(Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари).

Абу Бакр разияллоху анху Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг "Фақат Ислом ҳаққи бундан мустасно", деган сўзларини закотни бермаганларга қарши курашиш учун далил деб билдилар. Умар разияллоху анху эса киши икки шаҳодат калимасини айтган бўлса, бу дунёда унинг қонини тўкиш буткул ҳаром деб ўйладилар ва айни ҳадиснинг умумий маъносини ҳужжат сифатида келтирдилар. Мунозара якунида Умар ибн Хаттоб разияллоху анху ўзларининг улуғ дўстлари фикрига қўшилдилар.

### **3. Исломнинг барча арконларини тарк этган кишининг ҳукми**

Ибн Шихоб Зухрий Ханзала ибн Али ибн Асқоъдан ривоят қилади:

"Абу Бакр разияллоху анху Халид ибн Валид разияллоху анхуни урушга жўнатар эканлар, унга беш нарса учун курашишни тайинладилар. Халифа буйруғига кўра беш рукннинг биттасини тарк этган кимсага қарши худди беш рукннинг барчасини тарк этганга қарши курашилганидек кураш қилинарди. Бу рукнлар: Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ ва Муҳаммад Унинг Расули деб гувоҳлик бериш, намозни қоим қилиш, закотни адо этиш, Рамазон рўзасини тутиш ва ҳаж зиёрати".

### **4. Матлуб иймон**

Ушбу ҳадисда салафу халаф уламоларнинг иймон учун шарт қилган сўзларига очиқ-ойдин далолат мавжуд. Улар кишининг мўмин бўлиши учун ундан иймон рукнларини қатъий тасдиқ этиш ва Ислом рукнларига ҳеч иккиланмасдан эътиқод қилиш талаб этилади, деб айтганлар.

### **5. Ҳадислардаги "Фақат унинг ҳаққи бундан мустасно" лафзининг маъноси:**

Бошқа бир ривоятда "Фақат Ислом ҳаққи бундан мустасно" дейилган. Абу Бакр разияллоху анхунинг намоз ўқиш ва закот беришни ана шу ҳақ ичига киритганлари юқорида айтиб ўтилди. Баъзи олимлар рўза ва ҳажни тарк қилишни ҳам мазкур ҳақ доирасига киритишган.

Анас разияллоху анхудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам дедилар:

- Инсонлар "Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ!" деб айтмагунларига қадар улар билан

жанг қилишга буюрилдим. Агар ушбу шаҳодатни айтсалар, қон ва молларини мендан омон сақлаган бўладилар ва фақат шу калиманинг ҳаққи қолади. Уларнинг ҳисоби эса Аллоҳ таолога ҳавола.

- Унинг ҳақларига нималар киради? - деб сўрашди.

- Жуфти ҳалоли бўла туриб зино қилишдан, иймондан сўнг кўфрга қайтишдан ва бир жонни ўлдиришдан тийилиш. Акс ҳолда у шу ишларнинг жазоси учун ўлдирилади! (Табароний ва Табарий ривоятлари).

Ибн Ражаб ҳадис сўнгидаги сўзларни Анас ибн Моликка тегишли деганлар. Баъзилар мазкур ривоятни бутунлай Анас разияллоҳу анҳуга мансуб дейишган. Аммо Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳудан нақл қилинган қуйидаги ривоят ушбу ҳадис мазмунини қувватлайди:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

"Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ деб ва Мени Аллоҳнинг Расули деб гувоҳлик берган мусулмон кишининг қони фақат қуйидаги уч ҳолатдагина ҳалол бўлади: оилали бўла туриб зино қилса, жонга-жон, яъни бир мусулмонни қасддан ўлдирса ва жамоадан ажралиб, диндан чиқса".

(Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари).

## **6. Охиратда ҳисоб-китоб қилмоқ Аллоҳ азза ва жаллага ҳаволадир**

Қалбларни Аллоҳ таолонинг Ўзи билгувчидир! Пок Парвардигор ҳақиқий иймон эгаларини жаннатга киргазиб, риёкор мунофиқларга жаҳаннам қаъридан жой ажратади.

Бу имтиҳон дунёсида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам зиммаларидаги вазифа - мўминларга жаннат хушхабарини, кофирларга эса Охират азобини эслатиш, холос. "Бас, сиз панд-насиҳат қилинг! Зотан, сиз фақат бир панд-насиҳат қилгувчидирсиз, холос. Сиз уларнинг устида зўравонлик билан ҳукм юргизувчи эмассиз. Илло ким юз ўгириб, кофир бўлса, у ҳолда Аллоҳ уни энг катта азоб билан азоблар! Зеро, уларнинг қайтишлари ёлғиз Ўзимизгадир. Сўнгра уларни ҳисоб-китоб қилиш ҳам ёлғиз Ўзимизнинг зиммамиздадир!" (Ғошия сураси, 21-26-оятлар);

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Холид ибн Валид разияллоҳу анҳуга дедилар: "Мен одамлар қалбини ёриб кўришга буюрилмаганман!".

(Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари).

## **7. Бутпараст ва мушрик кимсалар Исломни ҳақ дин деб қабул қилмагунларича уларга қарши курашиш лозимлигига мазкур ҳадис ҳужжатдир.**

## **8. Мусулмонларнинг моли ҳам, жони ҳам Ислом шариатида ҳимоя этилгандир.**



HADIS.ISLOM.UZ  
NUBUVVAT MARVARIDLARI